


ТОШКЕНТ ШАХАР
МАҲАЛЛАЛАР
ИШИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
КЕНГАШИННИГ
РУЗНОМАСИ.
Ҳар сайде ишни марта
чиқади.
«Тошкент оғшомини
наши.

Махаллаш

ЯНВАРЬ, 1991 ЙИЛ
№ 2 (38)



I-саҳифага

мактублар

Онамга

ёрдам беринг

ОНАМ 70 ёшда, 2-гурух ногиронилар. Утган иили қарилек нафақаси ошиб, ҳар ойда 60 сўмдан белгиланган гувоҳнома берилди. Бунинг учун жуда миннатдор бўлдик. Аммо афсуски, онам ийл давомида 50 сўмдан нафақа олдилар. Сабабини билмоқчи бўлиб, бир неча марта ноҳия социал таъминоти ва алоқа бўлимларига учрашдик. Ҳозиргача бирор ўзгариш бўлгани йўқ. Онам қаҷончагча давлатимиз томонидан тайинланган нафақани тўлиқ ололмай сарсон бўларнилар?

М. ЖАББОРОВА,
Ленин ноҳиясидаги «Истикబол» маҳалласида яшовчи.

«Фахрий бўлсанг ўзингта...»

Бу мактубни ёзмоқчи эмасдим. Бир ҳайдовчи қўполлик қилди-қўйди-да, деб ўзимни юпатиб юрдим. Аммо ҳайдовчи йигитнинг тиржайиб туриши, «Фахрий бўлсанг ўзингта, туш машинадан», деб дилимни оғртанини унутолмай хафаман. Гап шундаки, 9-йўналиш бўйича қатнайдиган 76-09 ТНН рақами автобусга тушиб, «Асбобозлик заводи» бекатида қолишим керак эди. Автобус тирбанд. Шунинг учун ўрга эшикнинг очилишини кутиб турдим. Бир неча бор илтимос қилишмага қарамай очилмагач, оқсоқланиб олдинга сурildim. Энди олди эшикка яқинлашганимда ҳайдовчи ўрга эшикни очди. «Мен уруш ногирониман, овора қилиб нима қилардингиз, ўғлим». десам у юқоридаги қўполликни қилди. Орқамдан, «қачон сенлардан кутиламиз», деб эшикни беркитиб, жўнаб қолди. Кексалларга бундай мумолада бўлаётган ҳайдовчининг танобини тортиб қўядиганлар борми?

М. АЛИМОВ,
Киров ноҳиясидаги «И-Отчопар» маҳалла қўмитасининг раиси, Улуғ Ватан урушининг 2-гурух ногирони.

Декча қозон қидириб

ЕШЛИГИМДА отам декча қозон остига ўрик ёки ён-гоқ дарахти ўтинидан ёқиб, палов пишириб турардилар. Таом шундай лаззатли бўлардик, асти қўяверасиз. Уша дамларни эслаб, шаҳардаги хўжалик моллари дўконларини бир неча марта айланниб чиқдим. Буни қарангки, бирор жойда декча қозон сотилмаганти. Рўзгорда асқотадиган, энг муҳими, паловнинг мазали бўлишини таъминловчи бу буюми сутуга чиқариши кийин бўлмаса керак. Мутасадди раҳбарларимиз озигина кунт ва эътибор беришларини истардим.

З. ЛУТФУЛЛАЕВА,
С. Раҳимов ноҳиясидаги «Иттифоқ» кўчасида яшовчи уй бекаси.

ШИФО МАСКАНИ

ИЛГАРИ Киров ноҳиясидаги «1-Кисловодск» маҳалласида яшовчи аҳоли бетоб бўлиб қолган фарзандларини асосан Юнусобод даҳасидаги 5-болалар касалхонаси олиб борар эдилар. Яқинда полковник Хўжаев кўчасидаги машший хизмат уйининг эски биноси қайта таъмирланди. Эндиликда шу жойда 3-болалар поликлиникинши иш бошлади. Мазкур масканда тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар мухайёб.

А. НАБИХУЖАЕВ,
кекса журналист.



Охунбоев номидаги бош кийимлар фабрикаси филиалида тикилаётган бош кийимлар аҳолига мансур бўлаяпти. Шу корхонада 18 йилдан бери ишлаётган

мураббий Назира Маҳмудова (суратда ўттада) гулдек ҳунарни ўзи яшаётган маҳалладаги ёшларга ҳам ўргатяпти.

Х. Солиҳов сурати.

Низом қандай бажарилмоқда?

ҲАМКОРЛИК ФОЙДASI

ЯҚИНДА бир мактабга бордим. Текин юнушта улашилаётганинг устидан чиқиб қолибман. Каттакон ликобчага нари борса тўрт қошиқ келадиган қилиб ширгуруч солиняпти. Ҳеч нарса билмагандек, ошпазга: «Менга ҳам ширгуруч беринг», — дедим. Ликобчадан биттасини деярли тўлғизиб сузуб берди. Иккиси кириқиён олдим. Ишонасизми, 15 тийин тўладим, холос. Агар ота-оналар мана шу аҳволни билишса ҳар куни болаларига 15 тийин бериб, кейин мактабга жўнатишларига аминман! Ҳуш, буни ўқитувчи ёки мактаб раҳбарлари билишмайди, дейсизми? Билишади. Лекин кўп жойларда лоқайдлик устуилик қилимдади.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтсан. Ҳалқимизда: «Бир болага етти қўшини ҳам ота, ҳам она!» деган нақл бор. Демоқчиманки, ёшлар тарбиясида

фақат оила ёки мактаб жамоатчилиги фаолияти билан чекланиш хотурди. Ахир яқиндагина қабул қилинган маҳалла қўмиталари Низомининг 2-қисми, 14-бандида: «Мактабда ўқувчиларга чукур билди, мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олишда, болалар билан тарбияни, аҳоли турар жойлаширида мактабдан ташқари вактда уларнинг дам олишларини ташкил этишда, мактабга қатнамаётганларининг сабабини аниқлашада ҳалиқ маорифи мусассасаларига ёрдам кўрсатади...» дейилган. Қанчадан-қанча тадбирларга бош-қош маҳалла қўмиталари мактабдаги таълимтарбия, болаларни озиқ-овқат билан таъминланиши билан ҳам қизиқсалар, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Айримлар эътироз билдиришлари мумкин. «Шундоқ ҳам назоратчилар тўлиб ётибди, ҳали ноҳия ҳалиқ таълимни бўлми, ҳали фронтал текширув, ҳали СЭС келиб текшириди», деб. Тўғри, текширувчилар етарли. Аммо ноҳия, шаҳар маорифи ёки санитария-эпидемиология станциясидан келадиганлар мактаб ўқувчиси шароити билан қизиқадилар. Қўмиталар эса ўз фарзандларини. Бунинг орасида катта фарқ бор.

Айрим маориф раҳбарлари буни узларига ишончсизлик деб билишлари мумкин. Менинчма, маҳалла қўмиталари билан биргаликда ишлаш, ҳамкорлик қилиш фақат фойда келтиради, холос.

С. СУЛТОНОВА.

Тарбиянинг қалити

«Иттифоқ» маҳалласида араб алифбоси бўйича тўгарак иш бошлаганига энди бир ярим ой бўлди. Аммо ҳозир кўпчилик (қизлар 48, ўғил болалар 50 нафар) бемалол эски ўзувини мустақил ўқий оладилар. Энг қувончлиси, фарзандларимиз оиласда одобли, ҳурматни ўрнига қўядиган бўлишиди. Маҳалла-кўйда ўзларидан катталарга саломни кандо қилмайдилар.

М. ОЛИМЖОНОВ.

Совет Армияси куни яқинлашган сарби Собир Раҳимов ноҳиясининг «Мевазор» маҳалласидаги ёдгорлик олди зиёратоҳда айланмоқда. Бу ерга келаётган ёшу кексалар урушга кетиб, қайтиб келмаган маҳалладошлар хотирасини ёдга олишмоқда.

Т. Каримов сурати.



ЭШИК-РОМЛАР ТАЙЁРЛАНАЯПТИ

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси «Чинор» ижара корхонасининг «Берёзка» ширкати хайрли ишга ўғул урди. Корхона яқинидаги Файзулла Хўжаев маҳалласи аҳли учун буюртмалар бажаришини йўлга кўйди. Иморат қурмоқчи бўлган одамлар эшик, ром ва бошқа ёғочдан тайёрланган қурилиш жиҳозларини шу ердан олишга айтти. Ширкат ишчилари хонадонга бориб пол қошиш, ёғочдан ясалган буюмларни созлаш каби дурадорлик юмушларини ҳам бажармоқдалар.

С. БАДРИДДИНОВ

ИШЧИ НАЗОРАТИГА ИШОНЧ

БИЗДА ечимини кутаётган муммомлар талайгина. Доимо дўкон ва озиқ-овқат корхоналар билан алоқа қилишмизга тўғри келади. Ноҳия ижроқўми маҳаллада бўладиган тўй ва маъракаларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида хонадонларни савдо шоҳобчаларига бириттириб қўйган. Афсус бундай кўрсатманинг бажарилишига савдо ходимлари бальзан етарли эътибор беришмаяпти. Қўмита хонадонида бирор маросим ўтказмоқчи бўлган одамни ноҳия савдо бошқармасига юборади. Бу ердан дўконга йўлланма берилади. Дўкон мудири эса ҳар хил баҳоналар билан керакли озиқ-овқатларни бермасликка ҳаракат қилали. Қанди йўқ, чой йўқ, гуруч йўқ... Мурожаат қилаётган одамнинг ташвиши янада ортиб, бошқармага йўл олади. Хуллас, олмоқчи бўлган нарасасига етишолмай сарсон бўлади.

Қурилиш жиҳозларини олишдаги оворагарчиликларни-ку аста қўяверинг. Таъмирланадиган хонадон учун З-ёғоч омборига йўлланма берилади. Бу ердан шифер, ёғоч ёки таҳтани ўз вақтида олиш амри маҳол.

Бундай қийинчиликларни олдини олиш мақсадида маҳаллада ишчи назорати гурухи ташкил қиласди. Унга қўмита аъзоларидан энг тажрибали ва қонун билан таниш одамлар, сайланди. Пенсионер Жанабой Сулаймонов эса бошчилик қиласди. Ишчи назоратчи ёрдамида эндиликда маҳалладаги ҳар хил тартибсизликлар, шунингдек, ободончилик ишлари олиш қиласди.

А. РИСБАКОВ,
Сергели ноҳиясидаги «Қинчоқ» маҳалла қўмитасининг раиси.



Ўз касбига ихлос қўйган Мамлакат Одилова «Шарқ гули» бадиий буюмлар бирлашмасида ишлайди. Моҳир тўкувчи беш фарзандини замонамизга хос кишилар қилиб камол топтироқмода.

СУРАТДА: М. Одилова.

Хорманг, депутат

ОЛҚИШ ОЛГАН КАМ БЎЛМАС

...БЕКАТДА автобусдан тушган Турғун аканинг кўзи чойхона ёнида турган маҳалланинг уч-тўрт оқсоқолларига тушди. «Тинчликмикан, яна бирор хонаданда жанжалли иш чиқсанга ўхшайди», кўнглидан ўтказди у ва оқсоқоллар томон одимлади.

— Ишлар билан хорманг энди, Турғунжон, яхши келаяпсизми? — дей қарши олишибди мўйсафидлар.

— Ассалому алайкум, отахонлар. Ха, тинчликми, нима гап ўзи? — юзланди улрага.

— Тинчлик ҳов муюлишдаги эрта баҳорда тўй қилган хонадан борку, ана ўша ерда озгина жанжалли иш чиқиби. Шунга Сизни кутиб тургандик.

— Хўп, қани борайлик-чи...

Бу лавҳани бежиз келтирмадик. Сабаби, бундан беш йил муқаддам, Авлоний маҳалласига раис бўлган дастлабки йиллари Турғун акага осон бўлмади. Айниқса, ўша йилларда ёш оиласидар ўтасида ҳам «қўйди-чиқди»лар авж олган, маҳалла аҳлининг боши бир жойга бирнимаганидан кишилар ўтасида ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик ришталари боғланмаган, бир сўз билан айтганда, ҳамма ўз доличи яшарди.

— Маҳаллага янги раис бўлган йилим 70 дан зиёд онлавий иш қўрилган, — дей эслайди ўша вақтларни Турғун ака.

Ҳа, маҳалла аҳли ўшандада Турғун аканинг раисликка сайдаб адашмади. Шу маҳаллада ўсиб-улгайган, унинг ташвиши ва қувончли кунларига тенг шерик бўлган, колаверса, бутун умири мобайнида барча миллий удум ва анъаналарда иштирок этиб келаётган Турғун ака раис бўлгач аҳолини қўйнаб турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини эринмай излади. У ишни даставсал хонадонлар билан яқиндан танишиши, уларни ўрганишдан бошлади. Астасекин кишиларнинг ўзи ҳам унинг ҳузурига келиб дардини айтадиган, маслаҳат ва йўл-йўрик сўрайдиган бўлишибди.

Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар билан алоқани мустаҳкамлаб, ўтказиладиган барча маросимларни режалаштириди. тўй-ҳашам ва маросим ўтказувчи комиссиялар сайланди.

Ниҳоят, орадан иккى йил ўтар-ўтмас, бу ишлар ўз самарасини берди. Маҳаллада энг аввало тотувлини ва меҳр-оқибат қарор топди. «қўйди-чиқди»лар сони кескин камайди. Бунда ҳам шубҳасиз, Турғун аканинг ташаббуси билан маҳаллада ўтказилгац ибратли тадбирлар, иумладан оталиқ ташкилот — Низомийномли Тошкент Давлат педагогика олий-

МАЪЛУМКИ, кейинги вақтда Президентимиз И. А. Каримовининг саъни-ҳаракатлари туфайли ҳалқимизга томорقا ажратиш ва якка тартибда ўй-жой куриш учун кенг имкониятлар берилди. Узок йиллардан бери ердан, томорқадан қўйналган ҳалқимиз учун бу тадбирлар катта қувонч бахш этмоқда.

Ота-боболаримиз ёшларга турмуш кечириш юзасидан панд-насиҳат қиласканлар, ҳаётда умидсизланмаслик, рухни тетики тутиб, кўнгилга яхши ниятларни, орзу-истакларни жо қилган ҳолда келажак сари дадил бориш зарурлигини уқтирганлар. Бу сўзларни айтишимдан мақсад яратилаётган шароитдан келажак учун унумли фойдаланишини ўлашибимиз зарур. Ишни шундай режалаштириш керакки, хусусий уйлар фақат яшаш жойи эмас, балки ер участкаси туфайли табиат билан бевосита алоқада бўлишига имкон берсин. Бу ерда гап ҳам ўй-жой куриш, мева-сабзавот етиштиришга имконият яратиш ҳақида боярпти.

Сир эмас, бозорларимизда мева-чеваларнинг нархи баъланд. Ҳақли равишда ҳалқимиз таажжуబда. Энди ҳадеб ҳайратланавериш, «нимага қиммат» деб ҳафа бўлиш ўрнига бунинг туб сабабларини таҳлил қилиб, тезда бартараф этишимиз зарур. Бундан ўн, ўн беш йиллар илгари арзимаган тийинлар турдиган мевалар нархини яна туширish

гоҳининг педагог-ўқитувчилари билан маҳалла аҳлининг учрашуви ҳамда шу маҳаллада истиқомат қиласётган бой турмуш тажрибасига эга Ҳаҳрамон онахонлар билан мустаҳкам ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш келинлар, ўй бекаларининг учрашуви, савол-жавоб кечалари каби тадбирлар катта аҳамиятга эта бўлди десак адашмаймиз.

Турғун ака Бекмуҳамедов мингдан зиёд оила истиқомат қилувчи 468 хонадан дондан иборат маҳаллада кўп йиллардан бўён муаммо бўлиб турган сув ва канализация ҳамда кўчаларни қайта асфальтлаш ва ёритиш, электр тармоқларини янгилаш каби муҳим масалалар ечимида ҳам жиддий кириши. Натижада маҳалладаги кўчаларнинг кўпчилиги қайта асфальт қилинди. Ёз мавсумида кўпчилик хонадонларда экинларнинг сугорилиши оқибатида ичимлик суви танқис бўлиб қолиши муаммоси ҳам ҳал этилди.

Ўтган йили бўлиб ўтган маҳаллий Кенгашларга сайловда маҳалла аҳли Турғун аканинг жонкуяр ва фидоилигини, ташаббускор ва тадбиркорларни ҳисобга олиб ноҳия ҳалқ депутататлигига бир овоздан унинг номзодини кўрсатиши.

Фрунзе ноҳияси депутати сифатида Турғун ака эндиликда маҳалла аҳли билдирган юксак ишончни оқлаш учун бор имкониятларини ишга солган.

Яқинда унинг ташаббуси билан маҳалладаги эски электр тармоқлари ва ёюч устунлар янги бетон, устунлар билан алмаштирилди.

Маҳаллада ҳашар йўли билан барпо этилган борда бундан уч йил муқаддам ширкатни тикувчилик корхонаси очилиб маҳалладаги бешик аёллар шу корхонага ишга жалб этилганди. Бу хайрли ишни ҳам депутат Турғун ака Бекмуҳамедов амалга оширган.

— Ҳозирда корхонада ҳом ашё масаласи тақиҷ. Асосан кийим-бош ва аёллар кўйлаги тикиладиган корхонани ҳом ашё билан таъмин этиш мақсадидан ноҳиядаги тўқимачилик комбинати билан ҳамкорлик шартномаси тузиш мақсадга мувофиқидир, — дейди Турғун ака.

У бу фикрни ноҳия Кенгашидаги депутатлар ишагишида ҳам ўтрага ташлади. Айни дамларда ноҳия Кенгashi шу масалани ўрганмокда.

— Агар бу таклиф ижобий ҳал этилса, маҳалладаги ўйга иш олиб ишловчи аёлларнинг ҳам иши анча енгиллашарди, — дейди у.

— Турғунжон ҳамиша ҳалқ ташвишида, эл ғамида юради. Зотан, депутат чинакамига ҳалқнинг таянича ва ишончи бўлмоги даркор, дейишида маҳалла оқсоқоллари Турсун ака Юсупов, Аъзамхўжа Тошхўжаев, Тўхтахўжа Убайдуллаев ва Юмил ака Юнусовлар.

Турғун ака маҳалладаги яхши анъана ва удумлардан фойдаланиш, миллий урф-одатларни, маънавий қадриятларни тиклаш каби ёшларга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Зоро, эл ташвиши ва гамини ўзиники деб билган ишон ҳамиша юрт олқишига, маҳалла таҳсинага сазовор бўлишига шубҳа йўқ, негаки олқиши олган — кам бўлмайди!

З. ДУСМУҲАМЕДОВА.

Оила иқтисодиёти

УДДАБУРОНЛИК КЕРАК

шаҳарликларнинг ўзига боғлиқ деб ўйлайман. Гап яна маҳалла ва турар жойлардаги фаолликка тақалмоқда.

Ижтимоий фарононликнинг бошланиши маҳалладан эканлиги бугунги кунда барчага аён. Бу ердаги юмушларни жамоатчилик асосида бажаравериши эса маълум кишиларга оғирлик қилиши табий. Шунинг учун бўлса керак, қўмита раислари ва котиблари сармоядан маъш тайин қилинганини жуда адолатли бўлди. Шу ўринда мени анчадан бери ўйлантириб келётган бир муаммо хусусида тўхтамоқчиман. Ҳуши, нима учун маҳаллада бош боғбон лавозими тасдиқланиб, унга ойлини тайин этиш мумкин эмас? Жамоаларда ёши улғ, тажрибали, ана шу ишларни савоб учун ҳам қиласиган кекса кишилар топилмайди дейсизим? Топилади. Ишонинг, агар бу масъулиятни уларга маъшлаларимизнинг аксарияти боғ-роғга айланган бўлар эди. Бундан ташқари боғбонлар бутун бир маҳаллага йўл-йўрик керади.

риб боришади. Уларга экиш учун новдалар кептириш, ток қаламчалари етказиб бериш, ургуларни олиб келиб сотиш, умуман кўкаламзора ширишга боғлиқ вазифаларни юклаш жоизидир. Марказлашган кимёвий ишлов бериш ва уни ташкил этиш, шунингдек бунга зарур маблағларни аҳолидан иға оладиган кишилар бўлса янам яхши.

Ишни шундай ташкил этишимиз керакки, шаҳримиз маҳаллаларида бирорта ҳовли, бирорта кўча бокса айланмасдан қолмаслиги керак. Агар назорат қилинмаса таёни ерга сукиб қўйса кўкариб, мева берадиган унумдор ерларимиз бекор ётади, бинобарин бозорда олчанинг бир челаги 20-25 сўм бўлиб турареди.

Мен уддабуронлик, тадбиркорлик дегандан имкониятларни бой бермайдиган одамларни тушунаман. Тунука томларнинг тепасидан унумли фойдаланиб, тоннабалаб узум етиштираётган, кўчаларни ҳавас қилгудек боғ-роғларга айлантираётган маҳаллаларни кўриб балли дегинг келади. Уйининг олди қуриб-қақшаб ётган хонадон соҳиблари кўпроқ бозордан нолийдилар. Шундай кишиларга йўл-йўрик керак. Зора бундайлар ҳам кўччилик маслаҳати билан мўлкучлиликка мунособ ҳисса қўшсалар.

Кўраяпсизми азизлар, оила иқтисодиётини яхшилаш ўз кўлимизда.

Б. КАРИМОВ.

Фарғонадан хат

ШУКРОНАЛИК

МЕХРИНИСА ая каби онахонларимизни ҳақиқий меҳнаткаш, мушфиқ ўзеки аёли десак бўлади. У 15 ёшида ота-онасидан етим қолиб, рўзгор тебратиши ва укаларига қараш ўз зинмасига тушди. Иллар сувдек оқиб ўтди. Бир армони, ўқиёлмади, бунга имкон ҳам, фурсат ҳам топилмади.

Фарғона вилояти, Қува ноҳиясидаги «Қизил кетмон» маҳалласида яшаётган онахон ҳозир 92 ёшини қаршилади. Деярли бир асрга тенг вақт ичидан қўлидан не иш келса қилди, билган нарасаларни бошқаларга ўргатди. Энди эса фарзандлари, 26 невара ва 27 чевара даврасида кексални гаштини сурмоқда.

Маҳаллада қандай тадбир ўтказилмасин, Мехриниса ая билан маслаҳатлашиб иш кўрилади. Кўпинча унинг ёшлилар даврасида бошидан ўтган воқеаларни гапириб, ахлоқ одобга чорлаётганини кўриши мумкин. Келинчаклар оиласи мустаҳкамлаш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги, саранжом-сарипшаликни у кишидан ўрганадилар.

— Энг аввало тинч замонамизга шукроналар қилиб яшаш зарур, — дейди Мехриниса ая Тиллаева йўл-йўрик лар кўрсатар экан. — Онладаги бараканинг қалити то тувлик ва тежамкорликда. Бунга доимо амал қилсангиз кўзлаган режаларнинг тўла-тўқис бажарилаверади.

Г. МИРЗАҲАКИМОВА.



Фойдали маслаҳат.

Х. Солихов сурат-лавҳаси.

Кўпнинг кенгашига

ҚАЕРДАСИЗ, ДОНИШМАНД ОТАХОНЛАР?

ҚўЛИДА гўдаги билан хонадондан хафа бўлиб чиқиб кетаётган аёлни Фозил ота тўхтатди.

Хой болам, шошма, қани бери келчи.

Аёлнинг кўнгли тўлиб турган эканми, қарияни кўргач йиглаб юборди.

— Қўй қизим, йиглама, — юпатди уни Фозил ота. — Тинчлики ўзи?

— Даврон акам ичиб келиб, ҳозироқ уйингга кет, деб ҳайдаятилар.

— Кет, деса кетаверасанми. Қани юр, ичкарига кирамиз, мен ўзим гаплашиб қўйман.

Отахон билан бошлашиб келаётган умр йўлдошини кўрган Даврон бироз ҳовуридан тушди.

— Уят эмасми, ўғлим, — деди Фозил ота йигитни ёнига ўтказиб. — Гулдек фарзандинг бўлса. Келинни нега хафа қиласяпсан?

— Уй юмушларини имиллаб қиласди. Ўзининг айтганини ўтказсан, дейди.

— Яхшилаб тикилсанг ҳатто қуёшда ҳам доғлар бор.

Бир-бировингнинг айтаверсанг, яхши ишлар баъзан ёмондай кўринади. Шукр қилинглар ҳар иковингни ҳам яхши биламан. Инсофли, диёнатли оиласандизлар. Арзимаган нарсадан жанжал чиқариб, аразлашиш рўзгордан баракани, оиласдан имонни кетказади.

Ота ибратли бир ҳикояни айтиб, сўзини тамомлади. Ҳар иккаласнга қўша-қўша фарзандлар, тутоуб ҳаёт ти-лаб дуо қиласди. Унинг ўтиларидан кўнгли юмшаган келин секингина уйига кириб кетди. Даврон эса алланечук бўлиб, отани эшиккача кузатиб қўйди.

Мен гувоҳи бўлган бу воқеага кўп йиллар бўлди. Биздан уч-тўрт уй нарида яшадиган Фозил ота маҳалламизнинг табаррук қишиларидан эди. Нуроний отахон кирган хонадон албатта файз-барака топарди. Кимнингдир ўғли аскарликка кетаётганда, бирор бетоб бўлиб қолса, ҳуллас оиласардаги қувончулашвили кунларда Фозил ота кўнгил сўргани чиқардилар. Олдиларидан шошиб ёки хаёл билан салом бермай ўтган ёшларни тўхтатиб, сиполик билан салонбек беришлари хеч кимга оғир ботмасди.

Фозил ота оламдан ўтга, маҳалламидан файз кўтарилигандек, анча ҳувиллаб қолди. Тўғри, савлатда, кийиниша у кишидан ўтадиган қарияларимиз талайгина. Улар иксалик гаштни суриб, роҳат-фароғатда яшаша-япти. Бирор қўпчилик тинчлитетини бузгиси келмайди. Ҳозир бирорвога ақл ўргатадиган замони, дегувчилар топлади. Ҳа, айнан ёшларга панд-насиҳатлар бериб, йўл-йўриклилар кўрсатадиган давр эмасми, ахир.

Арзимаган жанжал туфайли болаларини тирик етим қиляётган оиласалар, кўп йиллар девор-дармиён қўшиларининг ер талашаштагани, отасидан қолтан меросни бўлишомлайтган ўғилларни кўрсам Фозил ота ёдимга тушади. Донишмандларча қилган насиҳатлари ҳар қандай кўнглини эртиб юборарди. У кишининг дуосини олиш учун ҳам биз, ёшлар сипоюришга одатлангандик. Ҳаётнинг паст-баландини ўтаган, атрофидаги воқеаларга бефарқ қарамайдиган отахонлар, қаердасиз? Биз йўл-йўриклиларинизга муҳтоҷмиз.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Ҳикоят

Бахтингдан ўргилай, қизим

ҲАЛҚИМИЗ дейди: ўтган замонда уч қиз бор экан. Она қўлини косов, сочини супурги қилиб ўзи емасдан қизларига едириб, киймай кийдириб, уларни вояга етказибди. Вақти-соати етга, катта қизга совчи келибди. Она уни кузатар экан: «Шу кундан бошлаб келинсан. Отаинг битта эди энди иккита, онанг ҳам иккита бўлди. Энди сенинг ғамхўринг ҳам, маслаҳатгўйинг ҳам қайнона ва қайнотандир. Бизни қанчалик яхши кўрсанг уларни зиёдроқ кўй», — деб тайинлабди.

Она ўртанча қизи ва кенжатоини ҳам шундай насиҳатлар билан кузатибди. Орадан бир оз вақт ўтиб хабар олиш учун катта қизиникига борибди.

Ҳол-аҳвол сўраса «Кўйингизнинг онаси яхши-ю, отаси ёқмайди. Қуримсоқ» — дебди қизи. «Оббо, бу қизим ҳам бахтини бой бериб қўйиди-ку», — ўйлабди она. Шундай қилиб у кенжатоиникига йўл олиби.

— Ойникон, сиз айтгандек қайонам — она, қайно-там — ота дононлар сўзи билан гап бошлади 92 ёшли отахон Кабиржон Эргашев. — Ота-она оиласда ҳар бир ҳаракатларини фарзандлари кузатиб туришганини унтишга ҳақлари йўн. Биз 12 болани тарбиялашда бир нарсага катта ўтибор бердик. Уларнинг вақти қай йўсунда, кимлар билан ўтётгани доимо назоратимизда эди. Мана, минг шукрки барчаси эсли-ҳуши, ҳаётдан ўз ўринларини топиши. Ҳозир ҳам бирор жойга боришишни бўлишса албатта мендан руҳсат оладилар. Олти келиннимни ҳудди қизларимдек кўраман. Фарзандларим билан фархлансан арзиди.

Кечада ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби Г. Соболев, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси Қ. Фозилхўяев, элшунос олим Б. Аминов ва бошқа ўртоқлар ҳам юқорида зикр этилган мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар.

«Менга она бўлармиди», деб ёқтирасмас экан. Қайнота келинини. келин эса қайнотаси ёмонлабди. Айб кўпроқ қизида эканлигини билган она «Охири хайрли бўлсин», — деб

Х. АҲМЕДОВ.



Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилаётган коса, шиёла, чойнак, лаган каби ўй-рўзгор буюмларини ўй бекаларимиз ҳавас билан ишлатишмоқда.

СУРАТДА: көрхонанинг гул босиш це-

хидатайёрлананаётган бу чинни маҳсулотлари дўкон орқали тўғри хонадонларга жуннатилади.

Х. Солидов сурати.

АҚЛ ВА ИМОН ЧИРОҒИ

ҲАЛҚИМИЗДА «Бола азиз, одоби ундан азиз», деган доно нақл бор. Кейинги пайтда фарзандларимиз хули-атворида салбий ўзгаришлар намоён бўлабётгани кўччиликни ташвишига солмоқда. Бектемир ноҳиясидағи «Орзу» чойхонасида ўтказилган одобнома туркумидаги мунозарали кечака «Миллий қадриятлар шахс камолотининг асоси» деб атальди. Тадбирда ноҳия раҳбарлари, маҳалла қўмиталарининг фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар иштирок этдилар.

Баҳсада қатнашгандар ўшлилар тарбияси муаммолари устида тўхталиб, дозир инсонийлик, меҳр-оқибат, ноклий каби фазилатларининг шаклланиб бормаётганини асосий сабаб, ота-боболаримиз мероси — миллий анъанаримизнинг унтутилётганида эмасмикан, деган фикри билдирилар. Бола тарбияси аввало ота-онадан бошланмоғи керак. Ўзингиз бир ўйлаб қўринг-а. Агар ота ичкилинбоз ёки она ахлоқан нопок бўлишса фарзанд улардан нимани ҳам ўрганиши мумкин? Бундай оиласада вояга етётган бола ёмон йўлларга кириб кетиши турган гап.

— Адаб — ақл ва имоннинг чироғи, обру-эътибор сармояси, — деб дононлар сўзи билан гап бошлади 92 ёшли отахон Кабиржон Эргашев. — Ота-она оиласда ҳар бир ҳаракатларини фарзандлари кузатиб туришганини унтишга ҳақлари йўн. Биз 12 болани тарбиялашда бир нарсага катта ўтибор бердик. Уларнинг вақти қай йўсунда, кимлар билан ўтётгани доимо назоратимизда эди. Мана, минг шукрки барчаси эсли-ҳуши, ҳаётдан ўз ўринларини топиши. Ҳозир ҳам бирор жойга боришишни бўлишса албатта мендан руҳсат оладилар. Олти келиннимни ҳудди қизларимдек кўраман. Фарзандларим билан фархлансан арзиди.

Кечада ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби Г. Соболев, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси Қ. Фозилхўяев, элшунос олим Б. Аминов ва бошқа ўртоқлар ҳам юқорида зикр этилган мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар.

Н. АБДИРИМОВА.

Ақ садо

ЎГИЛЛАРИМ УСТАГА ШОГИРДА

ОТА касбига фарзандларнинг барчаси ҳам қизиқавермайди. Бирор фойдали касб ўргатиш учун болаларнинг ходишигаям қаралгани яхши. Ота-она ҳаммадан кўра зурриёти ҳаётда қокилмаслиги, тўғри йўлдан боришини ўйлайди. Бунинг учун эса ўғилми, қизми бирор ҳунарга болалигидан қизиктириш, оғзаки галиравермай иш жараёни билан яқиндан таништириш лозим.

«Махаллош»да ўзлон қилинган «Шогирдингиз борми, уста ака! маколос» (1991 йил, 17 январь) менда катта қизиқиши ўйғотди. Муаллиф муаллимилигидан курсанд бўлиб, устозларга озроқ ўтироғимизни билдирилар. Кўпгина ўқитувчилар дарсни яхши ўтишади-ю, боланинг келажакда ким бўлиши билан қизиқишмайди. Ота-онаси бор-ку, деб хотиржам бўладилар. Пойтахтдаги беъзи билим даргоҳларига борганимда мендан «Санъат музейи қаерда?» деб сўрашди. Алжабо, музейнин муаллиmlар билишмас ўқувчилар қўйидан билишсин? Айниқса табиат, адабиёт, тарих ва санъат музейларида мактаб ўқувчилари ниҳоятда кам кўрништаяпти.

Менинг беш фарзандим бор. Бир қиз, қолғанлари ўғил. Қизим чеварликни тантаган. Оиласи, касбидан мамнун. Катта ўғлим илмогда кироммага, темир йўл ишчиси бўлди. Маоши тузук. Иккя ўғлим 8-синфи битиргача, ҳунар-техника билим юртига бергандим. Бирин, уч йил, иккинчиси бир йил бўёқчиликка ўқиши. Афсус, деч вақони ўрганишмапти. Диққат бўлиб ўтиргандим ўзлари: «Дада, устага шогирд тушмочқимиз», дейишди. Розилик билдирилар. Ишлаб кетинади. Иккя-уч орасида бирин ёғочсозлик, иккинчиси нақдошлик санъатини устозларидан ўрганишибди. Кузатиб, бемалол ишлабётганиликларидан беҳад мамнун бўлдим. Айтмоқчиманки, усталар озигина жонкуярлик, фидойилик қилинса фарзандларимиз келажагига муносиб хисса кўшган бўлардилар.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.



«Махалла» дастурни бўйича бажарилётган ишлар Киров ноҳиясида кўнгилдагидек боряти, десак бўлади. Бунинг асосий боиси ижтимоний соҳадаги барча режалар ижроқи томонидан тасдилалини, муайян муддатда амалга оширилайти. Болалар боячаси, тиббиёт муассасаси қуриш ёки газ, водопровод ишларни ўтказиш... Буларнинг ҳаммаси дужжада аниқ-равшандар ақс эттирилган.

Бундан ташқари 26 та маҳалла фаоллари мъълум

Т. Каримов суратлари.

С. БОЗОРБОЕВ.

СУРАТДА: Абобосзодик за-води клубидан иззатда ваизбатдаги йи-

ХОНАДОНГА САРТАРОШ КЕЛДИ

Ассалому алайкум.
Шермат ака, ие, бу қанақаси,
күрпа-тұшак қилиб әтиб-олисиз!

Уста ҳол-ақвөл сұрагач
мұйызғасына жамадонини очди.
Унинг ичидан қайчи, устара,
тароқ, күптиригич, сочы
ва бошқа кераклы нарасаларни олиб
ишга киришиб кетди.

Үзининг 15 йиллик фо-
лиятінде илиқ миннатдор-
чилек сүзларының күп-
лаб шешітегін сарташы — Ра-
фиқ ака Маствоғир. У күп-
чилик үртасыда «Уста» деб-
ном олған. А. Икромов нө-
хиясидегі Ҳамза маҳалласы-
да болалардан тортиб, юз
шыға яқынлашкан кексалар-
гача Рағин аканынг хизма-
тидан мамнун.

Маҳаллада кекса отахон-
лар күп. Уларнинг айримла-
ри сарташынан келишілген.

Шундай кексаларның
шешітегін сарташы — Қаны
энди ҳар бир оиласы
тінчлик-тотувлик, ҳамжи-
датлық ұжым сурса..

—

Тотувликка зришиш ҳар
кимнинг үз құлида. Бу тил
курғурдан биринчи бор ёмон
сүзінен чиқиши қыйн. Бир
гапириб олдинми, кейин
яна давом этиши мүмкін.
Шунинг учун ёш келинларға
доимо қанота, қайнона ва
үмр йүлдошынғыз олдидан ҳеч
қаңон юз парданғыз күтари-
масын, деб тайналайман. Юз
парда — бу үзаро құрмат, из-
зат-икром, әқибат дегани.
Одам үзини туға билиши, мад-
даниятлы бўлиши лозим. Мад-
даниятни ағуски бъзви ёш-
ларимиз антиқа кийиниша
деб биладилар. Мен бу ибо-
раннинг маъносини бошқача
тушунаман. Одам қайси касб
заси бўлишидан қатын на-
зар, ўқиганми-ўқимаганни, ав-
вало тарбияли, камтар, ши-
ринсухан, ён-атрофидагилар-
га мөхрибон бўлмоғи керак.
Оила келажаги, тотувликни
йўлайдиган эрек ёки аёл бир
гапни айтышдан олдин анди-
ша билан, ҳар томонлама
фирк юритади.

— Ҳозир аёлларимизга күп-
лаб имтиёзлар яратылашы, нафақалар түри ва миқдори
ошди. Булар аёлни меҳнат
қуңғидан яна үйга қайта-
ришга уриниш эмасын!

— Энди аёлни үйга қай-
тариш қыйн. Сабаби, моддий
қийинчилек, оиласынг ик-
тисодий томони бор. Агар эр
яхши тобиғ келса, хотин
албатта уйда ўтиргиса келади.
Аммо етишмовчилеклар бун-
га йўл қўймайди. Баъзан лек-
торлар жамоаларга бориша
маъруза бир томонда қолиб
кетиб, барча ўз дарду хасра-
тинни айтб қетади. Аёлларга
биroz бўлса ҳам ёрдам бе-
риши ниятида кенгашимизни
жамғармасини ташкил этилган.

— Шундайкү-я, аммо пой-
тахтилизда ҳам ҳеч вакт яша-
масдан ажralишиб кетаётган
шешітегін күп. Уларнинг ач-
чиқ қисметига ачинасан, киши...


— Тўғри айтасиз. Бу — ий-
гит-қизларимизни оиласын
хама аёлни тайёрламаётгани-
зидан окибатидир. Оила бузили-
шида кўпроқ аёлларни ай-
лаш одат бўлиб қолган. Мас-
лагага атрофичча ёндошган
мъекул. Қайнона-келин мун-
собатларини шакллантириш
билан бирга йигитларга йўл-
йўриклар кўрсатиш тўғрисида

Сұхбатни С. ШОДИЕВ

ёзиб олди.

Тоживой тажанг

ШАҲАР КЕЗАДИ



ЯШАНГ-Е, ҲАЙ-
БАРАКАЛЛАЧИЛАР!

Янги жойга кўчиб кетган
бир танишим сим қоқиб, ҳеч
йўқламайсиз, деб анча яни-
ди. Янглишиб қолмай, деб
манзилин сұрасам «Вод-
ник» даҳасининг 2-мавзея-
даги «оғма» уйда яшаймиз,
деди. Ҳайрон бўлиб йўлта
тушдим.

Мавзедаги 29-й олдига
еттанимда тепага аңайиб
қараб қолдим. Назаримда
қийшайб турган 9 қаватлы
бино ҳозир ағдарилади-ю,
атрофида ўйнаётган бола-
кайлар... Нафасингни иссиқ-
роқ қил-е, Тоживой.

Лифт ишламаётган экан,
юғорға чиққунча нафасим
организма тицлиб қолди.

— Аҳволни қаранг, кечадан
бери совуқ сув йўқ — деди уй соҳиби дарсат қылниб.
— Бунинг устига уй яхши
иситилмайди. Мавзенинг ўри-
ни иллари Чирчик дарёси то-
шиб ётадиган жойлар экан.
Замини буш бўлгани учун
қурилган уйлар секин-аста
чўкялти. Мутахассислар-
нинг айби, деб давлатнинг
қанча маблаги бекорга кета-
ди энди.

Ҳайбаракаллачилек дав-
рида пухта ўйламай қилин-
ган иш, бугун яна ташвиш
келирияпти. Утирибману
назаримда бир томонга оға-
ётгандайман. Даст ўрнимдан
турб, мутасаддилар олди-
га йўл олдим. Бектемир нө-
хиясидаги бу «оғма» уйни
улар ҳам бир қўриб қўйиши-

син. Тоживой акага жишини С.
АБДУЛЛАЕВ ҳамроҳ бўл-
ди.

ЖАМОАТЧИЛИК
ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ.

ПЛАСТМАССАЛИ МИХЛАР

ЯПОНИЯДАГИ «Котото» фирмаси магнитланмайдиган, зан-
гламайдиган ва енгил қирқиладиган михни пластмассадан тай-
ёрлай бошлади. Бу куляй «табёнка»лар қаттиқ тахталарга ҳам
енгил қокилади. Фақат оддий болға ўрнига махсус пневмати-
ки қурилмадан фойдаланиш зарур.

М. ҲАКИМОВ
тайёрлаган.

ШАКАР... ДАВОЛАЙДИ

ФРАНЦИЯ шифохоналаридан бирінде узоқ вакт битмайды-
тан яралар шакар билан даволанаятти. Шифолаш усули од-
дий: ярани ювіб тозаланмайды, фақат куритиб шакар сепи-
лады ва доке ҳар куни алмаштириб турлади. Одатда бун-
дай яралер бир неча ҳафта давомида битиб кетади.

Мутахассисларнинг фикрича, шакар яра атрофидаги ми-
робларнинг ривожланишига йўл қўймас экан.